

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

420 **Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2707

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ–2344-сон «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга кирилади.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 22 июль,
19/16-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил
22 июлдаги 19/16-сон қарорига
ИЛОВА

**Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ–2344-сон «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

қарздор — кредит ва бошқа ҳар қандай мажбурият бўйича банк олдида қарздор бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

юридик шахснинг йирик иштирокчиси (акциядори) — устав капитали ёки овоз берувчи улушларнинг (акцияларнинг) 10 ёки ундан ортиқ фоизига бевосита ёки билвосита эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

йирик таваккалчилик — жами суммаси банк биринчи даражали капиталининг 10 фоизидан ошадиган бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчилик.

2. Шахс қуйидаги ҳолларда юридик шахсга катта таъсир кўрсатаётган ҳисобланади:

юридик шахснинг йирик иштирокчиси (акциядори) бўлса;

юридик шахс билан тузилган расмий битим асосида ёки бошқа исталган усулда шахснинг фаолиятини бошқариш ёки раҳбарлик қилиш имкониятига эга бўлса.

3. Қуйидаги ҳолларда банкнинг қарздорлари бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи деб ҳисобланади:

қарздор(лар)дан бири бошқа қарздор(лар)га катта таъсир ўтказа олиши мумкин бўлса;

банкнинг қарздори бўлган тўлиқ ёки коммандит ширкат, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг иштирокчиси айни бир пайтда банкнинг қарздори бўлса;

икки ёки ундан ортиқ қарздор айнан бир шахснинг (бу шахс банк олдида қарздор ёки қарздор эмаслигидан қатъи назар) таъсири остида бўлса;

хўжалик жамияти ёки ширкатнинг банкдан қарздор бўлган икки ёки ундан ортиқ иштирокчиси айнан бир шахс билан солидар жавобгарликни ўз зиммасига олган бўлса (бу шахс банк олдида қарздор ёки қарздор эмаслигидан қатъи назар);

бир қарздор иккинчисига кредит сифатида олинган маблағларни берган бўлса ёхуд икки ёки ундан ортиқ қарздорлар биргаликда ёки алоҳида ҳолда кредит сифатида олинган маблағларини бир шахсга (бу шахс банк олдида қарздор ёки қарздор эмаслигидан қатъи назар) берган бўлса (икки ёки ундан ортиқ қарздорлар бир сотувчидан жихозлар сотиб олиши каби, одатдаги тижорат операциялари бундан мустасно);

икки ва ундан ортиқ қарздорлар хўжалик жамиятлари ва ширкатларида

иштирок этиш ёки биргаликда фаолият юритиш учун банкдан олган кредитлардан фойдаланса ва ушбу кредитларни ягона манбадан тўлашса;

қарздорларнинг бирида молиявий қийинчиликлар юзага келган тақдирда тўлов бўйича муаммолар қарздорларнинг бошқасида ҳам юзага келса.

4. Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликлар (кредитлар) қуйидагиларни ўз ичига олади:

кредитлар, юридик шахс устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларига киритилган инвестициялар, берилган кафолатлар ва улар бўйича тўлаб берилиб, ундирилмаган маблағлар, қабул қилинган кафолатлар (кафилликлар), акцептлар ёки аккредитивлар, лизинг, қимматли қоғозлар ва чет эл валютасини сотиб олиш, факторинг ва репо операцияларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек қайта сотиб олиш шарти билан бошқа битимлар, ҳамда ҳисобланган фоизлар ва баланسدан ташқари моддаларда акс этирилган мажбуриятлар;

молиялаштиришга доир барча юридик мажбуриятлар;

овердрафтлар (мижозларнинг ҳисобварақларидаги дебет қолдиқлари);

баланснинг баланسدан ташқари моддаларга ўтказилган («умидсиз» деб таснифланган) барча суммалар, қарздорнинг тўлаш мажбурияти у банкрот деб эълон қилинганлиги натижасида юридик жиҳатдан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

2-боб. Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг юқори даражаси

5. Банкнинг бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг юқори миқдори банк биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

6. Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига тўғри келувчи таъминланмаган кредит (эътимодли кредит), шунингдек факторинг хизматлари учун таваккалчиликнинг энг юқори миқдори банк биринчи даражали капиталининг 5 фоизидан ошмаслиги зарур.

7. Йирик таваккалчиликларнинг умумий миқдори банк биринчи даражали капиталининг 8 баробаридан ошмаслиги лозим.

8. Мазкур Низомнинг 5 ва 6-бандларида кўзда тутилган чекловлар қуйидаги ҳолларда татбиқ этилмайди:

бозор қиймати кредитларнинг 125 фоизини қоплай оладиган давлат қимматли қоғозлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати ёки бошқа мажбуриятлари билан таъминланган кредитлар;

банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига қайта молиялаштирилган кредитлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сон «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига муво-

фик, банкларга кимошди савдолари ва танлов асосидаги савдоларда шахсий мулк сифатида сотилган ишлаб чиқариш банкрот-корхоналари мулки негизда тузилган корхоналарга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010-сон Фармойиши билан тасдиқланган Иқтисодий ночор корхоналарни аукцион ва танлов савдоларида банкларга реализация қилиш тартибига мувофиқ, хўжалик судларининг қарорларига кўра тугатиш қиймати бўйича банк-кредиторлар балансига қабул қилинган ишлаб чиқариш банкрот-корхоналари мулки негизда тузилган корхоналарга берилган кредитлар;

кредитлар кредит берувчи банкдаги депозитлар билан таъминланганда.

9. Кредит банкдаги депозитлар билан таъминланган бўлса, у ҳолда депозит кредитни таъминлаш учун махсус ҳисобвараққа киритилиши ҳамда кредит шартномаси ёки бошқа қўлланиладиган битимда кредит қайтарилмаган ҳолда банк депозитни ишлатиши мумкин эканлиги шарт қилиб қўйилиши лозим. Банк кредитини қайтариш муддати етиб келгунга қадар махсус ҳисобвараққа киритилган депозитдан маблағларни олишга йўл қўймаслик мақсадида зарур чораларни кўриши ва назорат ўрнатиши керак.

10. Депозит чет эл валютасида киритилган бўлса, бу валютанинг қиймати кредит қолдирининг камида 125 фоизини ташкил этиши лозим. Мазкур депозит валютасининг қиймати Марказий банкнинг курси бўйича чет эл валютасида ҳисобланади ҳамда ҳар хафтада икки марта қайта баҳоланиши лозим.

11. Банк раҳбарияти мазкур Низомга мувофиқ талаб қилинадиган даражада таъминот қийматини сақлаб туришга доир тегишли чораларни кўриши лозим. Агар таъминотнинг бозор қиймати тушиб кетса, банк 10 иш куни мобайнида таъминот миқдорини ушбу Низомга мувофиқлаштириш чораларини кўриши зарур.

3-боб. Банкларда лизинг хизматлари бўйича таваккалчиликнинг энг кўп миқдори

12. Ҳар бир банк лизинг хизматларини кўрсатаётганда лизинг олувчи лизинг объектдан фойдаланиш шартларини бажариши ва ундан мақсадли фойдаланилиши устидан лизинг шартномаси шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ назоратни амалга оширади.

13. Банклар кўрсатаётган лизинг хизматларининг умумий суммаси (авиализинг бундан мустасно) банк биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

4-боб. Ҳисоботни юритиш

14. Ҳар бир банк бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг ҳамда йирик таваккалчиликларга доир

юзага келиши мумкин бўлган барча йирик йўқотишлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботни юритиши ва ҳар ойда бир маротаба Марказий банкка тақдим этиши лозим.

15. Марказий банкка тақдим қилинадиган ҳисобот ҳар бир қарз олувчи ва бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи бўйича қарздорларнинг номи, улар тўламаган банк кредити умумий суммаси ҳамда қарздорнинг бошқа мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим. Шунингдек ҳисоботга банкнинг юзага келиши мумкин бўлган барча йирик таваккалчиликларнинг умумий суммаси ҳам киритилади.

5-боб. Яқуний қоидалар

16. Мазкур Низом кучга кирган санада банкда бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчилик миқдори белгиланган меъёрлардан ошадиган бўлса, бундай активлар дастлабки шартларда ва муддатларда тўланиши мумкин.

17. Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг умумий суммаси кредитни бериш вақтида мазкур Низомда кўзда тутилган чекловлар доирасида бўлиб, кейинчалик белгиланган меъёрлардан ошиб борса (банк умумий капитали даражаси тушиши ёки валютанинг айирбошлаш ставкаси ўзгариши сабабли), банк мазкур ҳолат ҳақида Марказий банкни зудлик билан хабардор қилиши лозим.

18. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.